

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_



МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, адабиёт, маданият ва санъат соҳалари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, Ватанимиз мустақиллигини мустақамлаш, Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислохотларга қўшган муносиб ҳиссаси, ўзининг ёрқин истеъдоди, кенг қамровли илмий-ижодий ва амалий фаолияти билан халқимизнинг интеллектуал салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, мамлакатимизда илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, адабиёт, маданият ва санъат соҳалари, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, ёш авлодни она юртга муҳаббат, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш йўлидаги кўп йиллик самарали хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ юртдошларимиз фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотландилар.

Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Акбарова Фарида Шарахимова – Ўзбекистон қасба уюшмалари Федерацияси тасарруфидagi «Бустон санаторийси» масъулияти чекланган жамияти директори

Ботиров Низомидин Файзуллаевич – Оққўрғон туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактаби директори

«ДУСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Баймуратова Ирина Викторовна – Ангрен шаҳридаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси

Холматова Уғулой Султоновна – Бекобод тумани маданият бўлимининг «Нилуфар» фольклор мактаби бадиий раҳбари

(Давоми 2-саҳифада) ▶

Танлов ғолиблари тақдирланди

Нурафшон шаҳрида "Ватан учун, миллат учун, халқ учун!" шиори остида мустақиллигимизнинг 34 йиллигига бағишлаб, "Энг улуғ, энг азиз" анъанавий кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди. Унда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Раҳматилла Шералиев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари, Маҳмуд Тоир, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Мурод Ғуломов, фахрий журналистлар, ёзувчи-шоирлар, оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.



Тадбирда сўзга чиққанлар, мамлакатимизда эришилган ютуқлар, кўзни қувонтираётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш борасида амалга оширилаётган янги лойиҳаларнинг барчаси мустақиллик туфайли бўлаётгани, танловни ўтказишдан мақсад юртимиздаги

бунёдкорлик, яратувчилик жараёнларини қаламга олган журналист ва ёзувчиларни рағбатлантириб боришдан иборат эканлигини алоҳида таъкидлашди.

Мазкур танлов 6 та йўналиш бўйича ўтказилиб, юборилган материаллар комиссия аъзолари томонидан қўриб чиқилди.

2

Нурафшонлик Артур ИККИ КАРРА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Италиянинг Милан шаҳрида ўтаётган байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси ҳисобига олтин медаль қўшилди.



▼ Баракалла!

Аниқроқ айтидиган бўлсак, чемпионатнинг С1 йўналишида 200 метр масофага кечган беллашувда вилоятимиз вакили Артур Гулиев маррага 38,63 сонияда етиб келди. Натижада Артур катталар ўртасида икки карра жаҳон чемпионига айланди.

Артур Гулиев 2023 йили Германияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ушбу йўналишда 38,729 натижа

билан маррага биринчи бўлиб етиб келиб, чемпион бўлган эди.

Маълумот ўрнида, Артурдан аввал ўзбекистонлик каноэчилардан Вадим Меньков 2010 йилги дунё биринчилигида шохсупанинг юқори поғонасини забт этган.

Таъкидлаш жоизки, вилоятимиз вакиллари байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича Жаҳон ва Осиё чемпионатларида

юқори натижаларни қайд этиб келишмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятимиздан 8 нафар спортчи пара академик эшак эшиш мусобақаларида қатнашиб, олтин ва кумуш медалларни қўлга киритишди.

Бу ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун яратиб берилаётган шароит ва имкониятлар самарасидир.

Ўз муҳбиримиз

Viloyat bo'ylab

NURAFSHON shahridagi "Vatanparvar bog'i"da O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi viloyat Kengashi hamda Respublika Ma'naviyat va ma'rifat markazi viloyat bo'limi hamkorligida "Vatan uchun, millat uchun, xalq uchun!" shiori ostida Mustaqilligimizning 34 yilligi hamda Kasaba uyushmalarining 120 yilligiga bag'ishlangan madaniy-ma'rifiy tadbir tashkil etildi. Unda turli tarmoq kasaba uyushma a'zolari, nuroniylar, madaniyat xodimlari, taniqli san'atkorlar hamda estrada yulduzlari ishtirok etishdi.

ANGREN shahridagi 25-maktabda "Uch avlod uchrashuvi" tashkil etildi. Unda nuroniylar yoshlarga zamonaviy bilim, kasb-hunar va oilaviy qadriyatlar haqida tavsiyalar berishdi. O'rta yoshlilar esa yigit-qizlarni bilimli, tashabbuskor va vatanparvar bo'lishga undadilar.

BEKOBOD shahrida faoliyat yuritib kelayotgan "Bekobod Ideal Kamunal" boshqaruv kompaniyasi tomonidan mahallalarda keng ko'lamli obodonlashtirish va ta'mirlash ishlari amalga oshirilmoqda. Jumladan, "Paxtakor" mahalla fuqarolar yig'ini hududida joylashgan ko'p qavatli uylarning tom qismlari kuz-qish mavsumiga puxta ta'mirlanmoqda.

BO'KA tumani elektr ta'minoti korxonasi xodimlari tomonidan hududlarda yuzaga kelgan avariya holatlarini bartaraf etish, eski simyog'ochlarni temir-beton ustunlarga almashtirish, yuqori kuchlanishli tarmoqlarni sozlash va tarmoq tortish ishlari amalga oshirilmoqda.

Toshkent davlat texnika universiteti OLMALIQ filialining "Energetika va mashinasozlik fakulteti"da "Kitobxon yoz - 2025" tadbiri bo'lib o'tdi. Unda talabalarning kitob o'qishga bo'lgan qiziqishini kuchaytirishga qaratilgan suhbatlar, turli tanlov va viktorinalar tashkil etildi.

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллиги муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ, мамлакатимиз Қуролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини оширишдаги алоҳида хизматлари, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, қонун устуворлиги ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги шарафли бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани, соҳада юқори малакали кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш йўлидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ юртдошларимиз ордени ва медаллар билан мукофотландилар.

Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

“ЖАСОРАТ” МЕДАЛИ БИЛАН

Джалилов Расул Абдуганевич – Фавкулподда вазиятлар бошқармаси Бекобод шаҳар фавкулподда вазиятлар бўлими катта йўриқчи-қўтқарувчиси

“ШУХРАТ” МЕДАЛИ БИЛАН

Наржигитов Ўткир Арзикулович – Чиноз тумани ички ишлар бўлими катта терговчиси

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ, мамлакатимизда кенг қўламли ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, юртимизнинг иқтисодий тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш, Янги Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузини юксалтиришга қўшган муносиб ҳиссаси, илғор инновацион технологияларни амалиётга жорий этиш, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, ҳудудлар инфратузилмасини жадал ривожлантириш борасидаги улкан хизматлари, жамиятимизда ижтимоий-маънавий барқарорликни сақлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлидаги ибратли фаолияти ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун бир гуруҳ юртдошларимиз мукофотландилар.

Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Примов Орифжон Хасанович – Паркент тумани нурунийлар жамоатчилиги кенгаши фаоли

Шонагметова Нина Ефимовна – «Ўрта Чирчиқ гидроэлектростанциялари каскади» филиалининг ишлаб чиқариш-техник бўлими етакчи муҳандиси

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Эргашев Дониёр Азимович – «Хунарманд» уюшмасининг Бўка тумани бўлими аъзоси, ёғоч ўймакорлиги устаси

«ШУХРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

(100 ёшдан ошганлар)

Усмонова Мехри – Чиноз тумани

«ШУХРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Джумабекова Гулзайнат Хусановна – «Чирчиқ трансформатор заводи» акциядорлик жамиятининг цех ғалтак ўровчиси

Имамбердиев Наҳид Аскарвонич – «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг 3-Мис бойитиш фабрикаси янчиш ва флотациялаш цехи тегирмон машинисти

Райимов Алишер Абдумаликович – Ангрен шаҳар ҳокими

Турсунова Норбиби Мардановна – Бекобод туманидаги «Олтин пилла» масъулияти чекланган жамияти пиллачиси

Юсупов Олим Қодиркулович – Паркент туманидаги «Сайёҳ-2000» масъулияти чекланган жамияти раҳбари



Танлов ғолиблари тақдирланди

Тадбир давомида ғолибликни қўлга киритган ижодкорлар Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан қимматбаҳо совғалар ва ташкилотчиларнинг дипломлари билан тақдирланишди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

– Танловга Нурафшон ва Ўрта Чирчиқ туманида томорқачилик, тадбиркорлик, аҳоли фаровонлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ислохотлар натижалари акс этаётган материалларимизни юборган эдик, – дейди “Босма

ОАВ ходимларининг журналистик ишлари” йўналиши ғолиби, “Машъал” газетаси бош муҳаррири ўринбосари Толиб Ҳакимов. – Ижодий ишларимиз ташкилотчилар томонидан муносиб кўрилганидан хурсандмиз. Бундай танловлар журналист ва

ёзувчиларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда, уларнинг салоҳиятини намоён этишда муҳим аҳамият касб этади.

Меҳридин ИБРАГИМОВ,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири
Жалолiddин ЭСОНОВ
олган суратлар

Ташкилий қўмитанинг 2025 йил 21 августдаги 2-йўғилиши баёнига илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ТЎРТ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ “ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!” ШИОРИ ОСТИДА ЎТКАЗИЛГАН “ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ” КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БОСҚИЧИ ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИ РЎЙХАТИ

Ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари йўналиши бўйича:

1-ўрин: Асад Асил. “Изларингиз изларман, Алқор” китоби учун (Бўстонлиқ тумани)

2-ўрин: Ашурлари Боймурод. “Навоийдан наво тойдим” китоби учун (Бекобод тумани)

3-ўрин: Муҳаббат Ҳамидова. “Алданганни алдама” китоби учун (Қибрай тумани)

Босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари йўналиши бўйича:

1-ўрин: Ҳакимов Толиб – Ўрта Чирчиқ тумани ва Нурафшон шаҳри “Машъ-

ал” ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррири ўринбосари

2-ўрин: Мусаева Саодат – “Чирчиқ тонги” газетаси муҳбири

3-ўрин: Расулова Нозима – “Тошкент ҳақиқати” газетаси ўз муҳбири

3-ўрин: Андреева Диана Октябрьевна – “Улғў йўл” газетаси муҳбири

Телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари йўналиши бўйича:

1-ўрин: Дадаева Ойсара – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти Ахборот хизмати I тоифали муҳбири

2-ўрин: Салоҳутдинов Шерзод –

“Нурафшон ТВ” телеканали муҳбири

3-ўрин: Муҳиддинов Файзиддин – “Нурафшон ТВ” телеканали муҳбири

Интернет-журналистика йўналиши бўйича:

2-ўрин: Сулаймонова Асроржон – “Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги” муҳаррири

3-ўрин: Тилолбердиев Шерзод – “Олмалиқ КМК” АЖ Ахборот хизматининг ОАВ ва жамоатчилик билан ишлаш, ижтимоий тармоқлар мониторинг ва таҳлилини юритиш бўйича I тоифали мутахассиси

Журналистлар томонидан нашр этилган публицистик мавзудаги

китоблар йўналиши бўйича:

1-ўрин: Барот Исроил – “Асрийнома ёҳуд Баротийнома” китоби учун (Оҳангарон тумани)

2-ўрин: Зокирова Ханифа – “Ибрат дафтарида саҳифалар” китоби учун (Қуйи Чирчиқ тумани)

3-ўрин: Шоматова Шоира – “Орзулар қанотида учган сатрлар” китоби учун (Пискент тумани)

Тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари бўйича:

1-ўрин: Абдуллаева Асал Фарход қизи

1-ўрин: Расулов Хусан Қобулжонвич

1-ўрин: Хайдаров Мирергаш Миртомирович

Дил изҳори

ЮРТИМИЗ БОЙ, ЭЛИМИЗ ФАРОВОН БЎЛСИН!

Фуркат ҲИКМАТОВ,
Паркент туманидаги
“Batu Export” МЧЖ таъсисчиси,
“Шуҳрат” медални соҳиби:

– Сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик билан шуғулланаётганларга катта имконият ва имтиёзлар берилмоқда. Тадбиркорларнинг ҳуқуқлари қонун билан ҳимояланиб, турли бюрократик тўсиқлар олиб ташланмоқда. Ҳатто, солиқ тўловларида ҳам имтиёзлар жорий этилди. Бу, албатта, ишбилармонларда сармоясиз ва бизнеси қўямаслигига ишонч уйғотди.

Мен ҳам бизнесимни чет элда бошлаганман. Юртимизда тадбиркорликни ривожлантиришга берилган эътиборни кўриб, 2016 йилда Паркент туманида “Batu Export” масъулияти чекланган жамият фаолиятини йўлга қўйдим. Бу ерда қурилган мева ва полиз экинлари қайта ишланиб, Европа ва Араб давлатларига, АҚШ, Жанубий Корея, Японияга экспорт қилинади. Жорий йилда маҳсулотларимиз Туркия бозорларига ҳам кириб борди. Келгусида хорижий ҳамкорларни кўпайтиришни режалаштирган-

миз. Ҳозир корхонамизда 70 нафар ишчи меҳнат қилади. Корхона босқичма-босқич тўлиқ қувватда ишлай бошла- лагач, ишчилар сони 200 нафардан ортади.

Тадбиркорлар куни муносабати билан Президентимизнинг фармониға кўра, “Шуҳрат” медали билан тақдирландим. Бундай эътироф корхонамиз фаолиятига берилган юқори баҳо, деб биламан.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан ўтказган учрашувда иштирок этганим мени янги ғояларни амалга оширишга ундади. Мулоқотда давлатимиз раҳбарининг “Янги Ўзбекистон тараққиётини, истиқболини таъминлайдиган куч – бу тадбиркорлар. Давлатимизни бой қиладиган куч – бу тадбиркорлар. Халқимиз, оилалар ҳаётини фаровон қиладиган куч – бу тадбиркорлар”, дея таъкидлаганлари бизга катта масъулият ва ишонч берди. Келгусида Ўзбекистонимиз иқтисодини янада юксалтириш йўлида ғайрат билан ишлашда давом этамиз.

Илҳом ҚЎШБОҚОВ,
“Qo'shboq ota” фермер хўжалиги
раҳбари, “Фаол тадбиркор”
кўрак нишонни соҳиби:

– Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тадбиркорлар билан очиқ мулоқотида мен ҳам иштирок этдим. Учрашувда давлатимиз раҳбари томонидан тадбиркорларни янада қўллаб-қувватлаш, улар учун янги имкониятлар яратишга қаратилган қатор ташаббуслар янгради.

Хусусан, мобил тўловлар учун универсал QR-код жорий этилиши, меҳмонхона ва боғчалар қуриш учун имтиёзли кредитлар, ёшларнинг стартап ғояларини тижоратлаштириш, кредит ажратишда скоринг тизимини такомиллаштириш каби янгиликлар тадбиркорлар учун кўп қўлайликлар яратади.

Бу каби ғамхўрлик ва ишонч биз, тадбиркорларни янада кўп меҳнат қилишга, изланишга, юртимиз ва халқимиз учун манфаатли ғояларни амалга оширишга руҳлантиради.

2004 йилдан буён фаолият юритаётган хўжалигимиз 106 гектар ер майдонида пахта, ғалла ва шоли етиштириш-

га ихтисослашган. Жамоамиз ҳар йили юзлаб тонна маҳсулотлар билан худуд иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Энг муҳими, ишчи-ҳодимларимиз доимий иш ўрни ва барқарор даромадга эга.

Биз келгусида ҳам юртимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, экологик барқарорликни таъминлаш ва замонавий технологияларни жорий этишда олдинги сафда бўлишга ҳаракат қиламиз. Жумладан, жорий йилда хўжалигимизда қуёш панеллари ўрнатиш орқали қайта тикланувчи энергиядан фойдаланишни йўлга қўямиз.

Мен Юртбошимизнинг учрашувдаги қимматли ташаббус ва фикрларини жамоадошларимга катта ҳаяжон билан гапириб бердим. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг фармойишиға кўра, “Фаол тадбиркор” кўрак нишонини билан тақдирланганимдан жуда фахрландим. Бу мукофот фермер хўжалигимиз жамоаси меҳнатининг эътиборидир.

Албатта, бундан буён ҳам Президентимиз белгилаб берган вазифалар ва яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиб, юртимиз тараққиётига ўз ҳиссамизни қўшаверамиз.

2022 йилнинг 26 сентябрига ўтар кечаси Болтиқ денгизининг Даниядаги Бронхольм оролида “Шимолий оқим-1” ва “Шимолий оқим-2” газ қувурларида портлаш фойдаланишда бўлмаган, бири ишга тушмаган, иккинчиси вақтинча тўхтатиб турган эди.



“ШИМОЛИЙ ОҚИМ”: НИМАЛАР МАЪЛУМ?

Германия прокуратураси кўпоровчилик юзасидан иш очган ва бу ҳақда расмий фарзларини ҳали эълон қилмаган эди. Аксарият Ғарб ОАВ портлашда Украина махсус хизматларининг қўли борлиги ҳақида ёзиб-чиқди. Киев эса барча айбловларни рад этиб чиқарди. Тахминлар орасида АҚШ ва Буюк Британия давлатлари ҳам санаб ўтиларди...

Италияда оиласи билан дам олаётган Германияда гумонланувчи Украина фуқароси Сергей К. Интерпол ҳамкорлигида 21 августда қўлга олинган. У портлаш, саботаж ва бинони йиқитишни ташкил этишда иштирокчи сифатида айбланади.

У ҳамтовоклари билан сохта ҳужжатлар асосида немис компаниясидан 12 метрли парусли яхтани ижарага олади ва жиноят содир этади. Портлаш оқибатида тўрт қувурнинг учтаси зарар кўради.

Ғарб матбуоти манбаларга таяниб хабар беришича, Сергей К. Украина Қуролли Кучлари ва Хавфсизлик хизматидан кейин капитан рутбасида истеъфога чиққан. 49 ёшли собиқ офицер 10 йилдан бери хусусий энергетика секторига ишлаган. Россияга қарши урушда иштирок этган. У қувурларни портлатиш ишига 2022 йилнинг май ойида ёлланган.



Сергей К. Андромеда яхтасининг етти экипажидан бири бўлиб, кўпоровчилик гуруҳининг раҳбари бўлгани айтилади. У 15 йилга қадар озодликдан маҳрум этилиши мумкин.

Жиноий гуруҳ сувда бўлган уч ҳафта ичида 14-27 килограмм оғирлигидаги учта портлатиш ускунасини 70 метр чуқурида ҳаракатга келтирган, дейишда текширув материлларида. Портлатувчи модда гесоген (RDX) ва октоген (HMX) аралашмасидан иборат бўлиб, бомбалар соатли детонаторлар орқали ишга солинган.

Der Spiegel нашри жиноятчининг турли исмлар ёзилган икки Украина паспортига эга бўлганини баён этади. Бу маълумот эса давлат ҳарбий идорасининг жиноятга бевосита ёрдамини тасдиқлайди.

Илк апелляция судида Сергей К. барча айбларни рад этиб, 2022 йилнинг сентябрь ойида Украинада бўлганини иттиҳо қилган. У, шунингдек, Германияга экстрадиция қилмасликларини сўраган.

3 сентябрда унинг айби судда тақдор кўриб чиқилади.

ҚАТЛИОМ ВА “ҚАҲРАМОН”

нафар гаровдаги исроилликни озод этишга розилик билдирган.

Исроил ҳарбий разведкасининг собиқ бошлиғи Аарон Халива 7 октябрдан бошлаб, ҳар бир ўлдирилган исроиллик учун 50 фаластинлик отиб ташланиши керак, деган баёнот билан чиққан. “У болами, катта ёшлими энди бизга фарқи йўқ”.

2024 йилнинг апрелида лавозимини тарк этган Халива мурожаатини Исроил ҳужумлари оқибатида ўлганлар сони 61 мингдан ошгани тўғрисидаги маълумот тарқатилганидан сўнг эълон қилди.

ХАМАС мазкур баёнотни кескин қоралаб, уни “Исроил-

нинг қатлиом доктринасини очик тан олишдир”, деб баҳолаган.

“Босқинчиларнинг жинояти – сиёсий ва ҳарбий олий раҳбариятнинг қарори натижасидир”.

У, шунингдек, ХАМАС БМТ ва халқаро судларни мазкур эътирофни қайд этиб қўйишга даъват этган.

Нетаньяху ўтган ҳафта жудий давлати ҳудудини кенгайтиришга қаратилган диний ва сиёсий ҳаракатлар фонидида қўлланиладиган “Буюк Исроил” концепцияси ҳақида гапириб, уни “тарихий ва маънавий миссия”, деб қайта тақдорлаган. Бу термин 1967 йилда олти кунлик урушдан кейин илк мартаба

қўлланилган эди.

31 араб давлати уни кескин қоралаб, бу сўзлар “халқаро ҳуқуқ нормаларини қўпол бузиш” ва “миллий хавфсизликка таҳдид”, деб қабул қилинишини билдирган.

Бу каби адолатсиз уруш давом этар экан, Трамп Ғазодаги ҳарбий жиноятлари учун Халқаро жиноят суди (ХЖС) томонидан қидирувга берилган Нетаньяхуни “уруш қаҳрамони”, деб алқаб чиққан.

“У яхши одам, у уруш олиб борапти... биз бирга ишлаганмиз, у қаҳрамон, ме- нимча, мен ҳам”, деб баёнот берган.

Бунинг устига АҚШ бош



вазир Нетаньяху ва собиқ мудофаса вазир Галантни ҳибсга олиш ордери учун ХЖСнинг тўрт нафар судьясига нисбатан санкция жорий қилган. Унга кўра, судьяларга оид бўлган АҚШдаги барча активлар музлатилади ва Америка ташкилотларига улар билан ҳар қандай молиявий операция ўтказиш тақиқланади.

Исроил олий раҳбарияти учун ордер 2024 йилнинг ноябрида Ғазодаги ҳарбий жиноятлари учун чиқарилган эди.

бағрига Украинани қўшиб олмоқчи.

Оқ уй саммитига қадар европаликларнинг позицияси андиқ эди, аммо Трампнинг қарашларидан воз кечтира олмадилар. Унинг учун Путин билан Аляскадаги учрашувдаги келишувлари устун қолди. Трамп ўша захоти бекорга океанортидан туриб ярим кечаси Путинга кўнгирак қилиб, тафсилотларни айтиб бермаган эди.

Оқ уй, ҳатто ой охирида “икки урушқоқни яраштириб қўяман”, деб дунёга маълум қилади. Москва эса ўз талабини қайтаради. Савдо ҳеч пишмайдигандек...

Ўзаро айбловлар, талаблар, таҳдид ва ишончсизлик нафақат икки томонлама, балки уч томонлама саммит ўтказишга ҳам қатъий тўсқинлик қилмоқда.

Қора булутлар тарқалишига анча вақт борга ўхшайди...

Аброр ХОН,
сиёсий шарҳловчи




лаштириш эвазига Киевга кафолат беришга тайёрглигини ҳамон тақдорлаб келади.

Макрон айтганидек, Украина аллақачон Европадаги энг катта армияга эга. “Ҳақиқатни дангал айтиш керак, Одесса, Киев бизники, бизга тегман. Мана бу барқарор кафолатлар беради”.

ЕИ Украина масаласини ҳал этиш бўйича Оқ уй-Кремль келишувларини бузишга эришмоқчи. Бунинг устига Европа мамлакатларининг деярли барчаси НАТОга аъзо,

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилинганига ҳам ўттиз тўрт йил бўлмоқда. Бу тарихан қисқа фурсат саналса-да, етук бир инсоннинг камолот ёшига тенг салмоқли санадир. Шукрки, мамлакатимизда мана шу тарихий жараёнларни яхши биладиган ва уларда бевосита иштирок этган юртдошларимиз оз эмас.



Мустақиллигимиз рамзи

Ўзбекистон мустақил давлат бўлганига эндигина икки йил тўлаётган кезлар. Ҳали юртдошларимиз чинакам мустақиллик, ҳақиқий суверен давлат аҳамиятини, унинг нашъу намосини тўлиқ англаб етмаган, ўтиш даврининг мураккаб давлари.

Уша сиёсий ўзгаришлар кечаётган кезларда омма орасида «Сквердаги Маркс ҳайкали олиб ташланибди...», «Йўте, бундай бўлиши мумкин эмас!...», «Бу ерга кўрбошилардан бирининг ҳайкали қўйилармиш...», деган узук-юлук гап-сўзлар урчиб кетган эди.

1993 йилнинг ёзи. «Бугун марказда ҳайкал очилармиш» деган хабарлар-у, «Ажаб, кимнинг ҳайкали экан», деган савол ва тахминлар марказий майдонга минглаб одамларнинг тўпланишига сабаб бўлган эди. Улар орасида шаҳар аҳли ҳам, юртининг олис-яқин қишлоқларидан келган эркак-аёл, ёш-қари ҳам бор эди. Ниҳоят, ҳайкал устидаги ёлпизни туширилиб, буюк жаҳонгир Амир Темурнинг отдаги салобатли ҳайкали кўзга ташланди. Бу эса халойиқнинг ҳайратини ўн чандон ошириб юборди. Ахир, у пайтларда Соҳибқирон Амир Темур бобомиз босқинчи, қонхўр каби сифатлар билан тавсифланиб, дарсликларда шундай ўқитилган эди-да. Ҳайкални қўриб, унга гулдаста қўйганлар ҳам, нима бўлаётганини ҳамон тушуна олмай, қарахт ҳолатда турганлар ҳам бўлди.

Тантаналар тугагач, тадбир аҳлини кузатиб турган Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Исроҳ Каримов маҳобатли ҳайкал ижодкорига қарата:

— Бу ҳайкал миллий мустақиллигимизнинг ҳақиқий тимсоли, чинакам

Маъмур ҳайкалтарош, Ўзбекистон тарихи билан бевосита боғлиқ бир неча сиймоларнинг салобатли ҳайкалларини яратган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Илҳом Жабборов ўзининг ижодий фаолияти билан бу жараёнларда фаоллик кўрсатиб, номини абадиятга муҳрлаган. У юртимиздаги ҳайкалтарошликнинг энг яхши намуналари — Амир Темурнинг Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларидаги ҳайкаллари, Тошкентдаги «Мотамсаро она» ва «Бахтиёр она» ҳайкаллари муаллифидир.

Илҳом Жабборов 1945 йил 27 июнда Ўрта Чирчиқ

«Тошкент ҳақиқати» йўқлови

туманидаги Чангтепа қишлоғида Жаббор ота ва Ризвонбуви ая Жалоловлар оиласида туғилган. Шу ердаги мактабни тамомлаб, Тошкентда П.Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртининг театр бутафорияси бўлимида таҳсил олган.

Ижодий фаолиятининг илк давларида оқ ҳайкалтарошликка меҳр қўйган ёш санъаткор ўша вақтдаёқ халқимизнинг Машираб, Фурқат, Завқий каби матрифатпарвар шоирларининг ҳайкаллари катта завқ ва маҳорат билан ясаб бошлаган. Кейинчалик бу адиблар қаторига Абдулла Қаҳҳор сиймоси ҳам қўшилди.

рассом, яъни ҳайкалтарошдан асарни мукамал бажариш маҳоратини талаб этади.

Шогирдим Шохруҳ Ўрозов мураккаб талабларни чуқур ҳис қила оладиган моҳир санъаткорлардан бири. Ҳозирги кунда у ишлаётган Алишер Навоий ҳайкали ва Тошкентдаги Исроҳ цивилизацияси маркази учун ишланган ҳайкалтарошлик асарлари бунга исбот бўла олади.

Ижодкор устахонаси

Биз санъат арбобининг бугунги кундаги ижодий фаолияти билан яқиндан танишиш учун Илҳом Жабборовнинг бадий раҳбарлиги ҳамда унинг шогирди Шохруҳ Ўрозов бошчилигидаги Ўзбекистон Бадий академияси ҳузуридаги ҳайкалтарошлик устахонасида бўлдик.

Бу ерда иккита муҳим лойиҳа: Алишер Навоийнинг улугвор сиймоси ва Тошкентдаги Исроҳ цивилизацияси маркази учун замонлар ва маконлар акс эттирилган улкан монументлар устида иш олиб борилаётганининг гувоҳи бўлдик.

— Алишер Навоий ҳайкалини Навоий вилояти ҳокимлиги бюромтасига биноан тайёрлаямиз, — деди Шохруҳ Ўрозов. — Асар ўзига хос ансамбль кўринишида бўлиб, шоир ҳайкали ўша даврдаги Ҳирот шаҳри асосий дарвозаси олдида қўйилди. Унинг икки томонида шаҳар деворининг дарвозаси туташ қисмлари акс этади. Шаҳар дарвозаларининг олд қисмида ўша давр хунарманд ва деҳқонларининг ҳайкаллари ўрнатилади. Асосий фондаги қўлида китоб тутиб турган шоирнинг ҳайкали маҳобатли кўринишда бўлиб, баландлиги 7,5 метрни ташкил этади.

Кейинги ишларимиз Исроҳ цивилизацияси маркази учун тайёрланаётган полотнолар бўлиб, жами етти қисмдан иборат ва ҳар бир қисми дин тарихи билан боғлиқ алоҳида-алоҳида замон ва макон кўринишларини акс эттиради.

Шу кун истахонага бир гуруҳ россиялик киноижодкорлар ҳам келишган экан. Режиссёр Татьяна Саломатина бошчилигидаги киночилар Тошкентдаги Исроҳ цивилизацияси марказининг бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳужжатли фильм тайёрлашаётган экан. Улар Илҳом Жабборовдан интервью олиб, унинг ижоди билан қизиқдилар. Ҳеч шубҳасиз, яратилажак бу фильм ҳам юртимиз ҳақида тайёрланган «Ўзбекистон — қўмиллар бағридаги гаҳвар», «Менинг Президентим», «Ўзбекистон — янги тарих» каби ҳужжатли фильмлар қаторида мамлакатимиз довруғини дунёга тараддиган асар бўлади.

“Оқ от”даги арбоб

Тошкент вилояти фарзанди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон Бадий академияси академиги, ҳайкалтарош Илҳом Жабборов 80 ёшни қарши олди.

Шу табарруқ ёшда ҳам куч-ғайрати тошган, қалби яратиш иши билан ёнган ҳайкалтарошнинг шижоатини қўриб, биз ҳам завқланамиз. У ҳамон “от устида!” От бўлганида ҳам ўзига ярашган — оқ «Малибу»ни бошқарибди.

— Ақлли машина, — дейди уста «оқ тулпор»га меҳр билан боқиб. — У менга жуда қадрли ва азият!

Дарвоқе, бу машинани ҳайкалтарошга давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев халқимизнинг ардоқли фарзанди, Биринчи Президентимиз Исроҳ Каримов ҳайкалини ясагани учун совға қилган.

...Балки қўзингиз тушгандир, Ўрта Чирчиқ ва Нурафшон томонларда оқ «Малибу»да нуруний бир инсон мағрур кетиб бормоқда. У бизнинг юртдошимиз, давримизнинг улуг ҳайкалтароши Илҳом Жабборовдир.

Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси

ИСТИҚЛОЛДАН илҳомланган қалб

этирофи бўлди! Халқимиз энди мустақилликка бошқача назар билан қарайди, — деди.

Расмийлар кетгач, бир ижодкор дўстимиз ҳайкалтарошнинг ёнига келиб, унинг қўлларини баланд кўтарганча шоирларга хос жўшқинлик билан оломонга мурожаат қилади:

— Бу муъжизани ҳайкалтарош Илҳом Жабборовнинг мана шу қўллари яратган! Қўриб қўйинг!

Мустақилликнинг кейинги йилларида Илҳом Жабборов Ўзбекистоннинг давлат тимсоллари бўлган «Мустақиллик ва Эзгулик монументи» — «Бахтиёр она» ҳайкали, «Эл-юрт таянчи», «Кўҳна ва навқирон Бухоро» мажмуалари, кейинчалик эса мустақил давлатнинг биринчи раҳбари Исроҳ Каримов ҳайкалларини яратди.

Бу рўйхатни Туркиянинг Анқара шаҳридаги ғазал мулкининг султони Алишер Навоий, Фарғона ва Қува шаҳарларидаги Аҳмад ал-Фаргоний ҳамда Бельгияда ўрнатилган улуг аллома Абу Али ибн Сино ҳайкаллари билан давом эттириш мумкин. Бу асарлар, шубҳасиз, Илҳом Жабборовни бектор санъаткорга айлантирди, унга шон-шараф ва юксак эҳтиром келтирди.

Бедор этиб қўйдинг, «Хаёл»...

1980-йилларда санъат музейида янги экспонатлар кўргазмаси ўтказилди ва унда республика раҳбари Шароф Рашидов иштирок этади. Экспонатларни завқ билан томоша қилаётган давлат раҳбари беихтиёр «Хаёл» композицияси қаршида бир муддат туриб қолади. Унинг ўзи ҳам катта ижодкор эмасми, бу санъат асаридан мутаассир бўлган ҳолда композициянинг муаллифи билан қизиқади. Асар ижодкори Илҳом Жабборов билан танишгач, унинг юксак маҳоратини этироф этган ҳолда: «Асарни менга сотмайсизми?» дея сўрайди. Асар эндиликда санъат музейи мулкига айлангани маълум бўлгач, ноилж кўргазма томошасида давом этади.

Шу кун давлат раҳбари кўргазмадаги яна бир асар билан астойдил қизиқа-

нини тадбир қатнашчилари яхши эслашади. Бу асарда оромкурси — тебранима ўриндиқда ўтирган қўйи олис-олисларга термулган, ширин орзу-хаёллар оғушидаги ота ва ерда унга меҳр билан қараб турган фариштамисол ўғил бола тасвирланган ва у «Хаёлимдаги бола» деб номланарди. Асардан қаттиқ таъсирланган биринчи раҳбар музей ходимларидан унинг муаллифини суриштирди. Муаллиф эса яна ўша Илҳом Жабборов эди. Шунда Шароф Рашидов ҳайкалтарошнинг қўлини маҳкам сиқиб, «Қўлинг дард кўрмасин! Мен бу қўллар ҳали қўллаб ажойиб асарлар яратишига ишонаман», дейди.

Дарвоқе, «Хаёл» композицияси кейинчалик Москвада ўтган Бутуниттифоқ халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмасида бронза медалига муносиб қўрилади.

Мушук воқеаси

Қардадир ўқигандим: қай бир олимнинг столи устидаги тажриба синамалари солинган шиша идишлар орасидан ўтган мушук уларнинг тўқилиб, бир-бирига қўшилиб кетишига сабабчи бўлади ва қутилмаганда янги кимёвий унсур кашф этилади.

Худди шу сингари ҳодиса Илҳом Жабборов ҳаётида ҳам рўй берган.

— Етти ёшлигимда мени илк бор пойтахтга олиб боришган эди, — дея эслайдиган ҳайкалтарош. — Шаҳарнинг қайсибир хиёбонида кўзим ногоҳ Ер шари ва унинг атрофида чарх ураётган оқ кабутарлар тасвирига тушиб қолди. Ер шари қандайдир ўсимликлар воситасида, кабутарлар эса қоғоздан ясалганди. Шунда менда ҳам айнан мана шу манзарани яратиш иштиёқи пайдо бўлди.

Уйга қайтгач, ажриқ ўтлар билан Ер шари шаклини, оқ қоғоздан каптарларни ясади ва ўзи мўлжаллаган жойга ўрнатди.

Композицияда оқ инларига тизилган оппоқ кабутарлар енгил шамолда худди тирик мавжудотлардек тебраниб турарди. Шунда уй мушуги қоғоз каптарларни тирик деб билиб, уларга ташланади ва композицияни расво қилади. Аммо болақай бундан хафа бўлмади. Аксинча, унда: «Агар мушук мен ясаган каптарларнинг тирик эканлигига ишонган бўл-

са, демек одамларни ишонтира оладиган қушларни ҳам ясаб оламан!» деган қатъий ишонч пайдо бўлади.

Муносиб издошлар

— Халқимизда «Шогирд устозидан ўтибди», деган нақл бор ва бу айни ҳаётини ҳақиқатни ифодалайди, — дейди Илҳом Жабборов. — Агар шундай бўлмаганида башариёт равнақ топмас эди. Мен шогирдларимга доим шу нақлни эслатаман, улар қалбида улуг ишларга рағбат уйғотишга ҳаракат қиламан.

Менинг икки қизим ҳам тасвирий санъат йўлидан кетган. Улар ҳам шогирдларим қатори. Уларга доимо «Сизлар мендан-да юксакроқ натижаларга эришишингиз керак», дейман. Катта қизим Лайло Санкт-Петербург шаҳрида Илья Репин номидаги рассомчилик академиясида таҳсил олади. Нафиса эса дастлаб Тошкентда, кейинчалик Москвада ўқиган, графика ва дизайн бўйича мутахассис. Набирам Дониёр кинооператор бўлса ҳам, доимо ижод билан банд. Дарё набирам эса рассом, у ҳам доимий изланишда.

Базан қизларимнинг ранг-тасвирдаги ишларини қўриб, қувониб кетаман. Улар ранглари дилдан ҳис қиладилар. Улар шунчаки расм чизмайдилар, балки рассом қалбидаги ранглар жилосини ўз асарларида акс эттирадилар.

Моҳир рассом — бор рангни шунчаки акс эттириш билан кифояланиб қолмайди, у қалбидаги туйғулар жилосини ўз асарига қўчира билади. Бу инсон қалбининг тўқинлари, туйғулари, хаёлий тасаввурлари жилоси бўлади. Бундай асарларни томоша қилган инсоннинг дили жўшади, қалби энтиқади, тафаккур олами кенгайди. Буни фақат истеъдодли рассомгина удалай олади.

Афсуски, ҳозир аксарият рассомлар табиат манзаралари ёки қандайдир ҳолатларни худди фотосуратлар каби акс эттира оляптилар, холос. Бу — катта санъат ҳам, катта санъат асари ҳам эмас ва бундай бўла олмайдиган ҳам.

Ҳайкалтарошлик ҳам, аслида, рассомликнинг бир тури, жуда мураккаб ва мукамал тури. Чунки полотно асарни муҳлислар фақат бир томон — унинг рўпарасидан томоша қилсалар, ҳайкалнинг тирик эканлигига ишонган бўл-

▼ Эълонлар



«Elektron Realtor» МЧЖ

тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкилладидагидан кўчмас мулклар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича ўтказиладиган савдога тақлиф этади!

“O‘zsanoatqurilishbank” ATB билан тузилган 2025 йил 18 июндаги №18-2025ER сонли шартномага асосан мазкур банк балансида бўлган қуйидаги мулклар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги ПҚ-142-сонли қарорига асосан сотувга чиқаришмоқда:

1. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, “Қоратепа” МФЙ, Ҳаёт кўчаси, 99-уйда жойлашган ҳовли-жой, бошланғич баҳоси — 552,2 млн. сўм.

2. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, “Қоратепа” МФЙ, Ҳаёт кўчаси, 70-уйда жойлашган ҳовли-жой, бошланғич баҳоси — 521,3 млн. сўм.

3. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, “Қоратепа” МФЙ, Ҳаёт кўчаси, 249-уйда жойлашган ҳовли-жой, бошланғич баҳоси — 447,5 млн. сўм.

4. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, “Қоратепа” МФЙ, Ҳаёт кўчаси, 250-уйда жойлашган ҳовли-жой, бошланғич баҳоси — 441,2 млн. сўм.

5. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, “Қоратепа” МФЙ, Ҳаёт кўчаси, 310-уйда жойлашган ҳовли-жой, бошланғич баҳоси — 432,9 млн. сўм.

Юқорида кўрсатилган мулклар йиллик 14 фоиз устама билан бошланғич тўлови 60 фоиздан кам бўлмаган ҳолда 11 ойга бўлиб тўлаш шарти асосида сотувга чиқаришмоқда.

— Савдога қўйилган мулклар билан бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

— Савдода иштирок этиш учун талабгорлар e-rieltor.uz платформаси орқали ариза беришлари мумкин.

Колл-центр: +99855-517-22-20.
Расмий сайтимиз: www.e-rieltor.uz

“Тошкент Агросервис МТП” МЧЖ маъмурияти иштирокчи (таъсисчи)лари диққатига!

Жамият директорининг қарорига асосан “Тошкент Агросервис МТП” МЧЖ иштирокчи(таъсисчи)ларининг навбатдаги умумий йиғилиши 2025 йил 12 сентябрь соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, “Олтинкўл” кўчаси, 115-уйда жойлашган жамиятнинг маъмурий биносида ўтказилишини маълум қилади.

Йиғилиш кун тартиби:

- “Тошкент Агросервис МТП” МЧЖнинг навбатдаги умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 апрелдаги “Аграр соҳада хизмат кўрсатувчи давлат иштирокидаги корхоналарни хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-164-сон қарори ижросини таъминлаш бўйича худудий ва туман “Агросервис МТП” МЧЖларнинг вазифалари тўғрисида;
- “Тошкент Агросервис МТП” МЧЖ иштирокчилари таркибига ўзгаририш киритиш;
- “Тошкент Агросервис МТП” МЧЖ устав капитали (фонди)ни қайта рўйхатдан ўтказиш тўғрисида;
- “Тошкент Агросервис МТП” МЧЖни ихтиёрий тугатиш, туга-

тиш комиссиясини тайинлаш, тугатиш комиссиясининг ва тугатиш жараёнидаги харажатлар сметаси ҳамда шаттлар жадаллини тасдиқлаш.

Йиғилишда шахсан ўзингиз иштирок этишингизни ёки вакилингизни шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган ёзма ишончнома билан қатнашишини таъминлашингизни сўраймиз.

Йиғилиш бўйича қўшимча ахборот, унда қўриладиган масалаларнинг ҳужжатлари билан танишиш учун Тошкент шаҳри, Миробод тумани, “Олтинкўл” кўчаси, 115-уй манзили ёки ушбу телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин:

(90) 058-55-51, (99) 028-03-43, (99) 028-03-83.

“Тошкент Агросервис МТП” МЧЖ ижроия органи



Аввал хабар берганимиздек, ўтган ҳафтанинг 22-23 август кунлари Паркент туманининг Заркент қишлоғида анъанавий “Ўзум сайли” ва Халқаро виночилик фестивали бўлиб ўтди.

Сайилмисан сайил бўлди



Учинчи бор ўтказилган фестивалга 500 мингга яқин меҳмонлар ташириб келишди. Улардан 50 мингдан зиёди хорижий сайёҳлардир. Фестиваль доирасида давра суҳбатлари, республикамиз ва хорижда узумчилик борасида амалга оширилаётган ишлар бўйича халқаро конференциялар ташкил этилди, шунингдек, маҳаллий 12 та вино ишлаб чиқарувчи йирик корхоналар махсус стендлари ҳамда винолар дегустацияси билан иштирок этилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, хорижлик тадбиркорлар ва фермер хўжаликлари ўрта-сида ташкил этилган музокараларда жами 51 млн. АҚШ долларидан зиёд экспорт шартномалари имзоланган.

Айниқса, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги, Тошкент давлат аграр университети ҳамда Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти ҳамкорлигида ташкил этилган “Ўзумчиликда инновациялар ва агротехнологиялар жорий этишда Ўзбекистон ва халқаро тажрибалар” мавзусидаги III халқаро илмий-амалий конференция самарали бўлди.

Унда Италия виночилик уюшмаси раҳбари Леонардо Коммути, Флоренция Халқаро маркетинг ва вино уюшмаси директори Лусиана Сао, Туркиянинг Каппадокция университети профессори Халибурак Сакал, шунингдек, Индонезия, Туркия, Сербия, Россия, Корея, Сингапур, Беларусь, Грузия, Озарбайжон каби 30 дан ортиқ давлатлардан олимлар ва экспертлар иштирок этишди. Конференцияда узумчилик ва виночилик соҳасида халқаро тажрибалар алмашилди, инновацион ёндашувлар ва янги агротехнологияларни жорий этиш истиқболлари муҳокама қилинди.

Аслида фестивалдан қўзланган мақсад узум етиштиришнинг анъанавий усулларини сақлаган ҳолда соҳага инновацияларни кенг жалб қилиш, узумни сақлаш, қайта ишлашнинг замонавий усулларини қўллашда ривожланган давлатлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, ўз тарихига эга бўлган ўзбек узумчилик соҳасини янада ривожлантириш билан бирга унинг қадимий анъаналарини сақлаб қолишдир. Қолаверса, вилоятимизнинг туризм салоҳиятини намойиш этиш, миллий маҳсулотларимиз брендини жаҳон бозорига муносиб ўринга олиб чиқиш, анъанавий узумчилик тажрибаси ҳамда боғдорчилик маҳсулотларининг ноёб тур ва навларини кенг оммалаштиришга қаратилган.

Икки кун давом этган фестивалда хорижий ва маҳаллий меҳмонлар Паркентнинг ажойиб табияти, туристик салоҳияти, бири-биридан ширин узумлари ва нодир винолари ҳақида етарлича маълумот олишди. Шу билан бирга, қадимий узумчилик ва виночилик тажрибаси ҳамда боғдорчилик маҳсулотларининг ноёб

тур ва навлари билан яқиндан танишишди.

Туризм қўмитаси раиси Умид Шадиевнинг қайд этишича, сайил кунлари туманда меҳмонлар учун 100 дан зиёд жойлаштириш воситалари, жумладан, 4 та меҳмонхона ва дам олиш маскани, 4 та хостел, 3 та санаторий ва пансионат, 94 та оилавий меҳмон уйи фаолият юритди. Таҳлилларга кўра, фестивалга 2023 йил 100 минг, 2024 йилда 150 мингдан ортиқ сайёҳлар келган бўлса, бу йил уларнинг сони тўрт баравар кўпайган. Ҳатто дунёнинг энг олис қишлоқларидан ҳам меҳмонлар келгани фестивалнинг нуфузи йил сайин ортаётганидан дарак беради.

– Дўстларимиз билан жанубий Африкадан келдик, – дейди сайёҳ Омпхиле Макао. – Бу ернинг иқлими, ва табиий нозу-неъматлари биз учун янгилик бўлди. Фестиваль жуда қизиқarli ўтмоқда. Айниқса, юртингиздаги одамлар очикқўнғил ва меҳмондўст экан. Ўзимизни жуда эркин ҳис қиляпмиз.

Албатта, бундай кенг қўламли фестивал куй-қўшиқ, жозибали рақсларсиз ўтмайди. Икки кунлик сайилда фольклор жамоалари, санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг чиқишлари, халқимизнинг урф-одат, анъана ва қадриятларини акс эттирувчи маданий, кўнгличор дастурлар намойиш этилди.

Сайилда Тожикистоннинг Ўзбекистондаги фавақулдда ва мухтор элчисининг ўринбосари С.Сафарзода ҳам иштирок этди.

– Ўзум сайли юқори савияда ташкил этилган, – дейди С.Сафарзода. – Мазкур фестивал Паркент тумани, қолаверса, Заркент қишлоғи донгини дунёга таратмоқда. Бу заминнинг узуму меваларини Тожикистонда ҳам яхши билишди. Бизнинг юртимизда ҳам айни пайтда пишиқчилик. Павильонлар ора-лаб юрар эканман, шундай тўкин-сочин за-



монда яхши қўшни, дўст-биродар бўлиб яшаётганимизга шукрона келтираман.

Сайилгоҳнинг жозибадорлиги ёшу қарига бирдек завқ улашди. Вилоят ҳокимининг ташаббуси билан энг фаол нурунийлар фестивалга таклиф этилди.

– Сайилга келишимиздан аввал вилоят раҳбари барча нурунийларни “Олтинбел” меҳмонхонасида жамлади, – дейди шоира Шарифа Салимова. – Бу ҳурматдан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Негаки, нурунийларнинг дуоси билан

бошланган иш, албатта, хайрли бўлади ва ривож топади. Бугун мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар, Паркент туманига давлатимиз раҳбарининг таширфи маҳаллий аҳолига куч бағишлаб, уларнинг яшашга иштиёқини янада оширди. Ижодкор сифатида одамларнинг бугунги кундан розилигини кўриб, юрагимдан ҳис қиляпман.

– “Ўзум сайли” нафақат қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини дунёга танитапти, балки миллийлигимизни ҳам тарғиб этяпти, – дейди Пискент тумани ҳокими ўринбосари – оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Зарипа Хилватуллаева. – Тадбир доирасида ўтказилган миллий либослар намойиши барчага манзур бўлди. Айниқса, шойи, адрас ва атласдан тикилган либосу чопонлар хорижликларни хайратга солди. Бу йилги сайилга 22 та туман-шаҳардан келган хотин-қизлар ўз ҳудудлари анъаналари акс этган миллий либослар кийиб, ял-ял ёниб юришди. Ҳа, айтганча, бизнинг туманда ҳам узумзорлар кўп. Бугун икки туман хотин-қизлари сайил баҳона танишиб, дўстлашиб олишди. Ўйлаيمانки, келгусида ўз тажрибалари билан ўртоқлашишди.

Сайилда иштирок этган вилоят ҳокими Зойир Мирзаев нуфузли меҳмонлар ва ҳудуд фаоллари ҳамроҳлигида барча павильонларни айланиб, иштирокчилар билан суҳбатлашди.

– Бугун вилоятдаги узумзорлар майдони 19 минг гектарни ташкил этади, – деди вилоят раҳбари. – Мавжуд узумзорларнинг 38 фоизда замонавий, сувни тежайдиган технологиялар ўрнатилган. Етиштирилаётган узум ҳосилининг 50 минг тоннадан зиёди 15 та мамлакатга, вино маҳсулотлари эса 12 та давлатга экспорт қилинади. Келгуси йилда вилоятда яна 12 минг гектар ҳосилдор узум плантацияларини яратиш режалаштирилган. Натижада узум майдонлари 49 минг гектарга етказилиб, ҳосил 520 минг тоннага оширилади. Энг асосийси, аҳоли хонадонларида ҳам узум етиштиришни янада қўпайтириб, шинни тайёрлаш, шунингдек,



асрлардан-асрларга ўтиб келаётган узум ва майизни сақлаш ҳамда қуришнинг анъанавий усулларини сақлаб қолишга эришилмоқда.

Маълумотларга кўра, ҳозирда туманда 530 дан ортиқ фермер 15 минг гектардан зиёд майдонда 13 хилдан кўп узум етиштирмоқда.

Заркентлик Ўғилой опа ва Камолитдин ака Шодиевларнинг 2 гектар тоқзори бор. Улар узумнинг “Ризамат ота”, “Киш-миш”, “Тоифа” навларини етиштиришди. Онахоннинг таъкидлашича, 4 нафар фарзандини шу тоқзордан келган даромад эвазига ўқитиб, уйли-joyли қилишган. Сайил баҳонасида 100 кгдан ортиқ узум сотишибди, ундан кўпроғини меҳмонларга улашишди. Онахон ўтган кетганга: “Олаверинг, бизники деҳқончилик. Чин кўнглидан қилинган хайр-саҳоват барака келтиради”, дейишдан чарчамаёттилар.

Ўғилой опа сайилга 13 ёшли набиралари Зиёвуддинни ҳам олиб келибдилар.

– Уч йилдан бери сайилга келамиз, – дейди Зиёвуддин ўзини катталардек тутиб. – Сайилгоҳнинг ясатилиши ва бу ердаги томошаларни кўриб, маза қиламан. 9 ёшимдан бери бобомга узум теришда, токни ёпиб, очишда кўмаклашаман. Келажақда шифокор жарроҳ бўлмоқчиман. Аммо, албатта, ўзимнинг



тоқзорларим бўлади. Чунки, оиламизнинг асосий даромади деҳқончиликдан эканини аллақачон тушуниб етганман. Маҳалламиздаги олий маълумотли, катта-катта ишларда ишлайдиган акаларимнинг ҳам ўз тоқзорлари бор. Мен ҳам уларга ўхшашни истайман.

Қайд этилишича, туманда етиштирилаётган узумлар дунёнинг 30 дан зиёд давлатга экспорт қилинади. Асосийси, янги навлар яратилиши устида илмий изланишлар давом этмоқда.



Хабарингиз бўлса, Оҳангарон туманида биринчи марта узумнинг да-нақис “Аватар” нави етиштирилди. Бу узум нави 2004 йилда АҚШ олимлари томонидан яратилган. Унинг меваси бошқа навларга нисбатан ширин, сервус, карсиллаб туради. Шу сабабли, Осиё ва Европа бозорларида экспортбоп маҳсулот сифатида оммалашмоқда. Жорий йил бу нав 24 гектарда етиштирилиб, 90 тонна атрофида ҳосил олинди. Айни пайтда Жанубий Корея, Япония, Германиялик харидорлардан буюртмалар қабул қилинмоқда. Шу кунларда яна 700 гектар майдонга “Аватар” нави экилмоқда.

Ажойиб таассуротларга бой ўтган фестивалда бир қатор номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди. Жумладан, Ўрта Чирчиқ ва Қуйи Чирчиқ туманлари “Фаол иштироки учун” номинациясини қўлга киритишди. Бундан ташқари, “Ўзумчилик борасидаги илгор илмий ёндашуви”, “Ўзумчиликда инновацияларни қўлаган илгор фермер”, “Ўзумчилик анъаналарини сақлаб қолган фермер”, “Энг кўп мухлислар жалб қилган павильон”, “Миллий хунармандчилик анъаналари давомчиси” номинациялари ғолибларига қимматбаҳо совғалар топширилди. 1-ўрин вилоятлар бўйича Жиззах вилоятига, туман ва шаҳарлар ўртасида эса Юқори Чирчиқ туманига насиб этди.

Икки кунлик фестивал якунланди. Аммо олинган таассуротлар ҳали-бери унутилмаса керак. Сабаби, фестивал доирасида халқаро илмий-амалий конференциялар, бизнес-семинарлар, хорижий ва маҳаллий мутахассисларнинг маҳорат дарслари, тақдиротлар ҳамда музокаралар бўлиб ўтди. Энг муҳими, унда дўстлик, меҳр-оқибат, ҳамжихатлик уйғунлашиб, байрамона муҳит шаклланди. Иштирокчилар келаси йил шу кунларда яна учрашишга ваъдалашиб, хайрлашишди.

Нигора ЎРОЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири
Жалолитдин ЭСОНОВ
олган суратлар



TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va
“Tashkentskaya pravda”
gazetalarini tahrir hay'ati:

- Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)
- Abdusamad NOSIROV
- Ummat MIRZAQULOV
- Hotamjon SAYDAHMEDOV
- G'afurjon MUHAMEDOV
- Sayyora FAYZIYEVA
- Tohir ARIPOV
- Mahmud TOIR
- Azamir MIRZAYEV
- Uskenboy ATEMOV
- Abdulla XURSANOV
- Shahboz NIZOMIDDINOV
- Kumush EGAMBERDIYEVA
- Olimjon BEGALIYEV
- Behzod QOBULOV
- Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:
(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:
(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:
(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Mas'ul kotib:
Alloma AZIZOVA

Nabvatchi:
Zuhridin RAHMONOV

Ekspeditor:
Behruz NURBOBOYEV

Bosishga topshirish vaqti – 21.00.

Bosishga topshirildi – 18.20.

Nashr ko'rsatkichi – 205.

Buyurtma G-835.

2 743 nusxada chop etildi.

Hajmi – 2 taqoq. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A–2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Manzil:
111500, Nurafshon shahri,
Toshkent yo'li ko'chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofisimiz: Bekturk tumani,
Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»
tahririyati kompyuter markazida
terildi va Tohir Mahmudxo'jayev
tomonidan sahifalandi.

Haftaning
chorshanba va shanba
kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida bosildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.